



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 2 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 22 (13.619)

Баҳоси эркин нарҳда

“FRANKFURTER ALLGEMEINE ZEITUNG” ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистондаги рўй бераётган ўзгаришларга дунё оммавий ахборот воситалари катта қизиқиш билан қарамоқда. Немис матбуоти ҳам бундан мустасно эмас. Жумладан, Германияда энг кўп нусхада чоп этиладиган ва қатор хорижий мамлакатларда тарқатилган “Frankfurter Allgemeine Zeitung” (FAZ) газетаси саҳифасида юртимиз ҳаётига доир навбатдаги мақола нашр қилинди.

“Ўзбекистон намуна бўлмоқда” сарлавҳали мазкур мақолада ёзилишича, мамлакатда бошланган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар жараёнида Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг либерал ислохотчи эканлигини намоён этмоқда. “Бу, ўз навбатида, ўзбек бозорига бизнесни ривожлантиришдан манфаатдор бўлганлар учун савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни фаоллаштиришга яхши имкониятлар яратди” деб ёзади “Frankfurter Allgemeine Zeitung”.

Мақолада ўзбек миллий валютасини эркин айирбошлаш йўлга қўйилган ташқи савдо тараққиёти йўлидаги катта тўсиқларни олиб ташлаш имконини берган энг муҳим қадамлардан бири сифатида эътироф этилган. Ўзбекистон молия институтлари маълумотларига таянган ҳолда хабар қилинганидек, мамлакат монетар бозорини либераллаштириш 2017 йилда 15 фоиз ошган экспорт ҳажмлари ўсувчанлигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Газета республикамиз раҳбариятининг савдо олдидидаги тўсиқларни бартараф қилиш, коррупция ва бюрократияга қарши курашиш, кичик ҳамда ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича қўйилган чора-тадбирларини алоҳида қайд этган.

Шунингдек, немис газетаси кўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни яхшилаш ва мустақамлаш имконини берган Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсатини ижобий баҳолаган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, “Frankfurter Allgemeine Zeitung” кундалик газетасига 1949 йилда асос солинган. Бугунги кунда 300 – 400 минг нусхада чоп этиладиган ушбу нашр ўз саҳифаларида Германия ҳамда хорижий мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига оид асосий ҳамда муҳим воқеаларни ёритади.

“Жаҳон” АА.
Берлин

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ: УЗОҚНИ ЯҚИН ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

Миллий матбуот марказида Сергели ва Юнусобод йўналишларида ва пойтахтимиз атрофидаги катта халққа йўли бўйлаб метро иншоотларини қуриш жараёни, бу борада қўлланилаётган замонавий технологиялар, жорий йилда амалга оширилиши кўзда тутилган чора-тадбирларга бағишланган брифинг ташкил этилди.

Унда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари, “Тошкент метрополитени” унитар корхонаси раҳбари О.Худойкулов маълумот берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 29 ноябрдаги қарорига мувофиқ узунлиги 7,1 километр бўлган Тошкент метрополитенининг Сергели линияси қурилиши 2020 йилга қадар қуриб, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Сергели метро линияси бугунги кунгача Марказий Осиёда қўлланилмаган бутунлай янги эстакада усулида бунёд этилмоқда. Яъни, мазкур метро йўли кўприк-симон тарзда қурилади. Поездлар ер устида ҳаракатланади. Ушбу йўналишда 6 бекат бўлади. Бекатлар 4 вагондан иборат метро поездига мўлжаллаб қурилади. Бекатларда йўловчиларга қўлайлик яратиш мақсадида махсус лифт ва эскалаторлар ўрнатилди.

Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишида барпо этилаётган янги йўлнинг умумий узунлиги 2,93 километрдан иборат. Лойиҳа 2019 йилда тўла нияҳасига етказилиши кўзда тутилган. Ҳозирда бу объектга 100 дан зиёд малакали муҳандис ва иш-

чилар, 40 га яқин махсус техникалар жалб этилган. Айни пайтда қурилишда котловани тайёрлаш ва тупроқни чиқариб ташлаш ишлари тўлиқ аяқланган. Қурилиш жараёнига Германия, Италия, Хитой, Сербия каби мамлакатлардан замонавий техникалар олиб келинган.

Ер усти метро халқа йўли қурилишининг умумий узунлиги 52,1 километри ташкил этади. Ушбу йўналиш бўйича поездларнинг ўртача ҳаракат тезлиги соатига 60 километрга етади. Халқа бўйлаб йўлни босиб ўтиш вақти 1 соат-у 10 дақиқа этиб белгиланмоқда.

Дастлабки босқичда Тошкент метрополитенининг “Дўстлик” бекатидан Қўйлик бозоригача бўлган 8 бекатдан иборат қисми қурилади. Кейинчалик у “Олмазор”, “Беруний”, “Бодомзор” ҳамда “Тузель” бекатлари орқали яна “Дўстлик” бекатига туташади. Мазкур метро йўли пойтахтимизнинг Яшнобод, Учтепа, Олмазор, Юнусобод, Чилонзор ва Сергели туманлари ҳудудидан ўтади. Ҳозиргача бу ерда 47,5 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилди. Режага кўра ушбу метро линиясига 35 бекат қурилади.

Улугбек АСРОРОВ



ОРЗУЛАР РЎЎБИГА АЙЛАНГАН ФЕСТИВАЛЬ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “Ҳикматлар олами” I Республика хаттотлик фестивали бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари ва мусавирлари “Ҳунарманд” уюшмаси томонидан ташкил этилган фестивал очилишида ҳунармандлар, дипломатик корпус ва кенг жамоатчилик вакиллари, санъаткорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Уюшма раиси ўринбосари Лутфия Мирзаева, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Шайх Абдулазиз Мансур, Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фахуллода ва мухтор элчиси Мосуд Маннан, Хиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фахуллода ва мухтор элчиси Винод Кумар ва бошқалар Ўзбекистонда қадимий ва нафис хаттотлик санъатини ривожлантириш ва унинг бардавомлигини таъминлашга қаратилган эътибор маданий мерос ва тарихий анъаналарга бўлган ҳечқис эъоз ва қадр-қимматнинг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади.

Хаттотлик арабча “хуснихат ёзуви” деган маънони билдириб, ёзув (хат) санъати, китоб кўчириш ҳамда меъморий иншоотлар, бадиий буюмларнинг китобатларини яратиш касбининг аниқлиги. Шарқ халқларининг узок асрлик тарихида яратиб қолдирган маданий меросида хаттотлик ва китобат санъати алоҳида ўрин эгаллаган. Китоб босиш йўлга қўйилгунча қадар қўл ёзма китоб тайёрлаш, уларнинг нусхаларини кўпайтириш (матн кўчириш) билан хаттотлар шугулланган.

Тадбирда қайд этилганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев-

нинг 2017 йил 17 ноябрдаги Фармонида асосан хаттотлик услубида тайёрланган қўлёзмалар, китоблар, миниатюра ва тасвирий санъат асарлари, рисоалар ва бошқа ҳунармандлик буюмлари, муқовалар ишлари ҳунармандлик фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар ва товарлар (иш, хизмат кўрсатиш) турлари рўйхатига киритилди. Хаттотлик йўналишида фаолият олиб бораётган ҳунармандлар мазкур Фармон асосида берилган имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди.

Фестиваль доирасида юздан ортиқ хаттот ва ҳунарманднинг ижодий ишлари намойиш этилди. Тақдим этилган хаттотлик ишлари хайрат томонидан юқори баҳола-ниб, иштирокчилар “Энг мохир хаттот”, “Янги ёзув турини ярат-ган энг мохир хаттот”, “Амалий санъат асарларида хаттотлик на-муналаридан фойдаланган энг мо-хир ҳунарманд”, “Энг ёш хаттот”, “Насталик хати бўйича энг мохир хаттот”, “Сулс хати бўйича энг мо-хир хаттот”, “Девоний хати бўй-ича энг мохир хаттот”, “Қуръон хат-тотлиги”, “Меъморий хаттот” каби номинациялар бўйича диплом ва эсдалик совғалари билан тақдир-ланди.

“Ҳикматлар олами” хаттотлик фестивалининг ташкил этилиши катта илмий ва амалий аҳамиятга эга, – дейди “Меъморий хаттот” номинацияси ғолиби Исрол Мама-тов. – Чунки тадбирнинг бирин-чи бор ўтказилиши юртимизда бу санъат бўйича изланишлар олиб



бораётган тадқиқотчилар ва хат-тотларга бўлган катта эътибордир. Яна бу бизнинг узок қутилган ор-зуларимиз рўёби ҳам. Шоир ва мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадгу билиг” (“Саодатга йўлов-чи билим”) асарида шундай мис-рлар бор: “Битиб кўймаса эди доно қалами, қоронғу қолар эди мезий олами”. Бу ҳикматли мисра айнан хаттотларга берилган юксак баҳодир.

Қасбим муҳандис. Етмиш сак-киз ёшдаман, – дейди самарқанд-лик хаттот, “Қуръон хаттотлиги” номинацияси ғолиби Шавкат Ис-тамов. – Бобом, ота-онам хаттот-ликдан яхши хабардор эди. Хат-тотликка қизиқишим болалигимда пайдо бўлган. Пахлавон Махмуд, Умар Хайём, Рўдакий каби улуг шоирларнинг ижод намуналарини араб имлосида ёзиб, китоб қил-дим. Қуръони каримни беш нус-хада кўчирдим. Хаттотлик – улуг иш. Негаки, бизнинг тарих ва маъ-навий меросимиз шу санъат орқа-ли намоён бўлади. Буни ёшларим-из билиши ва ўрганиши зарур.

Қўнғилга ҳуш ёқувчи қуй-қўш-қилар ва ўқилган шеърини таърифу тавсифлар барчага қўтаринки қай-фият бағишлади. Илк бор ва ўзига хос тарзда ўтказилаётган хаттот-лик фестивали жорий йилнинг 3 февралига қадар давом этади.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, кунни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўттинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмонов олиб борди.

Сессияда дастлаб 2017-2021 йилларда Ўзбеки-стон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта ус-тувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва техно-логияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оши-ришга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш, шу-нингдек, Тошкент шаҳрини 2017 йил ижтимоий-иқти-содий ривожлантириш яқунлари ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган иқтисодиёт-ни ислох қилишнинг устувор йўналишлари ҳамда тар-моқларни ривожлантиришнинг муҳим мақсадили ком-плекс дастурлари ижроси атрофида муҳокама этил-ди.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбир-корликни қўллаб-қувватлаш соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай ҳуқуқий, ташкилий ша-роитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технология-ларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва улар фа-олиятига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва банк-молия соҳасини яна-да такомиллаштиришни таъминлаш вазифаси қўйил-ди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишида иж-тимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролар соғлигини сақ-лашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тад-бирларни амалга ошириш, ижтимоий дорихоналар-нинг ривожланган тармоғини яратиш, аҳоли бандли-ги ва фуқароларнинг реал даромадларини ошириш, ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ва

ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама ман-зилли қўллаб-қувватлашни кучайтириш белгиланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини бундан-да кўпайтириш, улар олдига юзга келаётган муаммоларни ҳал этиш борасида барча им-кониятларни жалб қилган ҳолда ҳар томонлама кўмак-лаштириш чоралари қўрилди.

Транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфра-тузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлаш, бунда ижтимоий соҳа объектларининг янгидан қури-лиши, капитал реконструкция қилиниши ва таъмир-ланиши бўйича амалга оширилаётган ишлар, шаҳар қиёфасини ўзгартириш, кўча ва кўчмаларни, аҳоли яшаш пунктларини ободонлаштириш масалалари қатъий назоратга олинishi таъкидланди.

Тошкент шаҳрида хизмат кўрсатиш соҳасини ри-вожлантириш ҳудудий дастурининг мақсадили кўрсат-кичлари ижроси юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш, банд бўлмаган аҳолини иш билан таъмин-лаш, янги иш ўринларини ташкил этиш борасида мунтазам иш олиб бориш, коммунал хизмат кўрсат-иш соҳасида модернизация жараёнларини жадал-лаштириш, кўп қаватли уй-жой фондларини бошқа-риш ишларини такомиллаштириш, қарздорликни ка-майтириш, энергия ресурсларини тежаш борасида қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва дастурлари-нинг сузсиз бажарилишини таъминлаш вазифалари белгиланган.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳри-да Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан иш-лашни назорат қилиш ва мувофиқлаш-тириш хизмати вакиллари, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вази-рлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар масъул ходимларидан иборат Респуб-лика ишчи гуруҳи томонидан навбатда-ги оммавий қабул ўтказилди.

● Навоийда Ўзбекистон Халқ демок-ратик партияси томонидан “Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли” кўрик-танло-вининг вилоят босқичи ўтказилди. Лойиҳалар тақдими, “Қонунларимиз ҳаётимиз асосидир”, сиёсий ҳозиржа-воблик каби шартларда иштирокчилар билими, маҳорати ва тажрибаси сино-дан ўтказилди. Навбахор туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Чарос Бозорова биринчи ўринни қўлга кирит-ди ва танловнинг мамлакат босқичига йўللанма олди.

● Урганчда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Хоразм вилоя-ти ҳокимлиги ҳамда вилоят иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бoshқармаси ҳамкорлигида Ўзе-бекистон ва Жанубий Корея тадбиркорла-ри ўртасида савдо алоқаларини кенгай-тириш, янги қўшма корхоналар барпо этиш ва ўзаро товар айирбошлаш ҳаж-мини оширишга қаратилган бизнес фо-рум бўлиб ўтди.

● Наманган вилояти Тўрақўрғон туман-и тиббиёт бирлашмаси муассасалари-да ишлаётган патронаж ҳамширалари-нинг назарий ва амалий малакасини ошириш, патронаж хизмати кўрсатиш бўйича илғор тажрибаларни оммалаш-тириш мақсадида “Патронаж ҳамшира-ман, халқимга жонқуярман!” шiori ос-тида кўрик-танлов ўтказилди.

● Сурхондарё вилоятида бир йўла мамлакатимиздаги учта олий таълим муассасаси филиалларининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Вилоят-да янги иш бошлаган учта олий таълим муассасасига ёшларни талабалар сафи-га қабул қилиш Термиз шаҳри ва барча туманлар кесимида шифокор ҳамда пе-дагогларга бўлган эҳтиёж ҳисобга олин-ган ҳолда берилган квоталарга мувофи-қ амалга оширилди. Уларнинг ўз ҳудуди-даги тиббиёт ва таълим муассасалари билан шартнома имзолагани бўлғуси мутахассисларни келажакда аниқ иш билан таъминлашда муҳим омили бўла-ди.



● Москва шаҳрида қаҳратон қишнинг ҳукм суриши кўпгина ноқулайликларни келтириб чиқарди. Хусусан, кейинги икки кун давомида ёққан қорнинг қалин-лиги 36 сантиметрга етди ва тез орада бу кўрсаткичнинг 1966 йилда қайд этил-ган 56 сантиметрлик рекорд даражадан ўтиб кетиши мумкинлиги таъкидланмоқ-да. Қалин қор натижасида йўللarda ул-кан тирбандликлr юзга келди, аэро-портларда кўплаб рейслар бекор қилин-ди.

● АҚШ адлия вазирига томонидан спорт соҳасида, жумладан, мамлакат Миллий Олимпия Қўмитаси, Халқаро Олимпия Қўмитаси ва ФИФАда корруп-ция ҳолатларига қарши кенг қўламдаги текширувлар бошлаб юборилди.

● “Восточний” космодромидан Росси-янинг “Союз 2.1a” ташувчи ракета-си Россиянинг иккита ва хорижийни тўққиз-та кичик сунъий йўлдошларини ўз бор-тига олгани ҳолда коинотга муваффа-қиятли парвоз қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 22 январь куни қабул қилинган Фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланиб, унинг асосий йўналишлари ва амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кўпгина хорижий мамлакатлар тажрибасида стратегик аҳамиятга молик бўлган турли муддатларга мўлжалланган давлат дастурларини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиб бориш институти кенг қўлланилади. Шундай давлат дастурларининг қабул қилинишидан асосий мақсад мамлакатда амалга оширилиши режалаштирилган ислохотларнинг тизимлиги, босқичма-босқичлиги, энг асосийси, ҳаётийлигини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида, ҳалқ томонидан билдирилган тақлифлар ва истакларни инобатга олган ҳолда қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси барча соҳадаги ислохотларнинг янги босқичга кўтарилишида, мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболлини стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатидан янги ёндашувларни бошлаб берган ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида давлат ва жамият қурилиши тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий соҳа, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, вазмин ва амалий ташки сибсат юритишга қаратилган қатор аниқ ва амалий чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонунности ҳужжатларининг қабул қилингани кенг қўлланли ислохотлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Бунда депутат ва сенаторларнинг жойларда ишларининг ҳолатини ўрганиши ва халқ билан мулоқот қилишга доир фаолиятини ташкил этиш ва аниқланган кам-

чиликларни ўз вақтида бартараф этиш соҳасидаги фаолияти кучайтирилгани ҳам парламент аъзосининг жойлардаги ислохотларнинг амалга оширилиш ҳолати, қабул қилинган қонунларнинг ҳақиқатда ишлайётганлиги даражасидан доимий равишда хабардор бўлиб туриш имконини яратди, ўз навбатида, ҳаётий қонунлар қабул қилинишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, халқ иродасини ифода этишнинг янги механизми, айниқса, давлат ҳокимияти тизимида мутлақо янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ

ўртасида кенг ва атрофлича муҳокама қилинган бўлиб, фуқаролардан 4,4 мингта тақлиф ва шарҳ келиб тушди, улардан Давлат дастурини такомиллаштиришда фойдаланилган.

Фуқаролардан келиб тушган тақлифларнинг аксариятида айтилган долзарб муаммоларни ҳал қилишга оид алоҳида ҳуқуқий нормалар бевосита Фармоннинг ўзида кўрсатилган бўлиб, уларнинг ижросини дарҳол таъминлаш шарт экани белгиланди.

Давлат дастури 5 бўлимдан иборат. Давлат дастури доирасида 37 та қонун, яъни Сайлов кодекси, “Давлат хизмати тўғрисида”, “Шахсий маълумотларни

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲАЁТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШНИНГ МУҲИМ АСОСИ

қабулхоналари ташкил этилганлиги барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланди.

Халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот якунлари ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўтказилган ишларнинг танқидий таҳлили аҳоли фаровонлигининг реал ўсишига ва жойларда ишлар ҳолатининг тубдан яхшиланишига тўққинлик қилувчи қатор муаммоларни кўрсатиб берди. Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилинди. Эътиборли томони шундаки, Давлат дастури лойиҳаси 10-20 январь кунлари аҳоли

ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”, “Фан тўғрисида”, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ва бошқаларни ишлаб чиқиш, 142 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳаларни қамраб оладиган 52 та амалий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

“Давлат хизмати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат, аввало, давлат идораларида хизматни ҳақиқатдан нуфузли фаолиятга айлантиради, давлат хизматчиларининг меҳнат ҳақи ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб тизим шакллантиради, юқлатилган вазифаларнинг сифатли ижроси учун давлат хизматчиларининг жавобгарлигини оширади. Эндиликда **ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган лавозимига муносиб эканини ҳар кун ишбтлаши шарт. Давлат функциялари ва ваколатларининг амалдаги марказлашган тизимига барҳам берилади.**

Аваллари миллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида қўлланилмаган фу-

қароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг янги механизми сифатида – электрон жамоавий мурожаат қилиш – петиция йўллаш тизими Давлат дастурига киритилгани ҳам эътиборга молиқдир. Ушбу тизим фуқароларга давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига аниқ саволлар қўйиш имконини беради, ушбу органлар эса фуқароларнинг маълум сони томонидан маъқулланган мурожаатлар юзасидан чора кўриши шарт бўлади. Мазкур механизм турфайли фаол фуқаролар ва жамоат ташкилотлари турли муаммолар ечими бўйича ташаббус кўрсатишлари мумкин. Шу орқали “Мамлакат ҳаётига алоқадор энг муҳим қарорлар бевосита мулоқот асосида қабул қилинади”, деган таъмин амалда рўёбга чиқарилади.

Аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича “**истеъмолат саватчаси**”га оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш назарда тутилган. Анчадан бери аҳолини қийнаб келган ушбу масаланинг ечими сифатида ҳудудлар кесимида “истеъмолат саватчаси”ни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдорини белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш мўлжалланмоқда.

Давлат дастурида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролар соғлигини сақлашни янада кучайтириш, ижтимоий дорихоналарнинг ривожланиш тармоғини яратиш, аҳоли бандлиги ва фуқароларнинг реал даромадларини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган.

Энг аввало мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Фан тўғрисида”ги, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Ўй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги каби қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқиши ҳамда қабул қилиниши белгиланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланиши таъминлаш, аҳоли фаровонлигини амалда юксалтириш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мухтабар ХУСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сессияда Тошкент шаҳар прокурорининг ҳисоботи асосида шаҳар ҳудудида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла амалга оширилиши таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, уларнинг тақлифлари, ариза ва шикоятларининг қўриб чиқишида янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунини белгиланган тартиб ва муддатларга сўзсиз риоя қилиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиш, улар асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, йирик саноат корхоналарида касаначилик фаолиятини жадаллаштиришга доимий эътибор қаратиш, секторлар бўйича ишларнинг янада кучайтирилиши, аҳоли томонидан кўтарилган муаммоларнинг бартараф этилиши қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 9 февралда “Ички ишлар органларида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифалар ҳақида” ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг қўйи тизимлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг ариза ва шикоятларини қонуний тартибда қўриб чиқиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда бу борада профилактика чораларини қўриб бориш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳамда ички ишлар идораларининг бошқа йўналишларида қатор камчиликларга йўл қўйиб келинаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан пойтахт ҳудудида янги тизим – 70та шаҳар ички ишлар бўлимининг ўз фаолиятини бошлади. Бу эса ўз навбатида пойтахт ҳудудида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашишда жойлардаги ички ишлар органларининг мустаҳкам пойдеворида айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларини хизмат уйлари билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори талаблари асосида пойтахт ички ишлар органларида хизмат олиб бораётган жами 1103 нафар профилактика инспекторларига 1103та хизмат уйлари ажратилгани маълум қилинди.

Ҳафтанинг пайшанба кунининг республика миқёсида “Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш кун”и деб эълон қилинганлиги муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, Ички ишлар бош бошқармаси ва Жиноят ишлари бўйича шаҳар судининг ҳамкорлигида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, 9та йўналиш бўйича профилактик-огҳолантирув тадбирларини амалга оширувчи гуруҳлар ташкил этилди.

Натижада, “Профилактика кун”и тадбирлари доирасида, ўтган давр мобайнида маҳалларда 3 мингдан зиёд жиноятлар муҳокамалари, 859та сайёр судлар, 11.569та профилактик тарғибот-ташвиқот тадбирлари, 2638та “Давомат” тадбирлари, 1032та йўл-ҳаракати хавфсизлиги йўналишида рейдлар, 461та ёнғин хавфсизлиги йўналишидаги тадбирлар, 788та интернет-кафелар ва тунги клубларда профилактик рейдлар, 1296та паспорт-виза тартиботини таъминлашга қаратилган филтрация тадбирлар, 14.850та фоҳишалар, ичкиликка ружу қўйган ва гиёҳвандлар билан боғлиқ профилактик тадбирлар амалга оширилди.

Жиноятчиликка қарши курашда ҳамда фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда салбий ҳолатларга йўл қўйган 1732 нафар ходим ва уларнинг бевосита раҳбарларига нисбатан кескин интизомий таъсир чоралари қўрилди, 163 нафар раҳбар ва ходимлар ички ишлар органлари сафидан бўшатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 июндаги “Суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳоли, муаммолар ва келгусидаги вазифаларнинг муҳокамаси” мавзусидаги маърузаси ва 2017 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси судьялар учун суд соҳасидаги ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда дастур бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан судьяларнинг ўз фаолиятлари юзасидан Судьялар олий кенгаши аъзолари иштирокида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ахборот берилишини амалиётга киритиш бўйича вазифалар белгиланган эди.

Сессияда Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг, Тошкент шаҳар Маъмурий судининг, Тошкент шаҳар Иқтисодий судининг 2017 йилдаги фаолияти юзасидан ахборот тингловлар, судлар томонидан ҳисобот даврида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Жамолнинг ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳақидаги эътиборни янада кучайтириб, ҳар чоракка мўлжалланган жадаллар асосида халқ билан мулоқот ўрнатилган қаратилган аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, маҳалларда сайёр судлар ўтказилишини қўлайитириш, ҳар бир судья томонидан мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун аҳоли билан жойларда бир ойда камда бир марта очик мулоқотлар ташкил этилиши белгиланди.

Тошкент шаҳар судлари томонидан одил судловни амалга ошириш ҳамда судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида бажарилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилишини йўлга қўйиш масаласига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари сессияда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фаол аъзолари учун “Адолатли депутат”, “Халқпарвар депутат”, “Меҳнаткаш депутат” ҳамда “Фахрий депутат” мақомлари таъсис этилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўттинчиси сессиясида қўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ УЧУН ЭНДИ ҲУЗУРИНГИЗГА БОРИШАДИ

Ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиши даражасининг замон талабларидан ортда қолаётгани қоғоз ҳужжатлар айланмаси ҳажмининг ҳамон юқори бўлиши, фуқароларнинг навбат кутиб, кўп вақт йўқотиши, ортиқча харажатларга сабаб бўлаётгани сир эмас. Айрим ҳолларда бу коррупция ва бюрократия ҳолатларига олиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам 2018 йилга мўлжалланган Давлат дастурида давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацион технологиялар орқали амалга ошириш жадаллаштириш назарда тутилган. Ҳўш, бу жамиятимизда қандай ўзгаришларга олиб келади, бу борада қандай қўлайликлар яратилади?

ЎЗА мухбири саволларига **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори ўринбосари Нўмон МУҲАММАДИЕВ** жавоб беради:

– Давлат хизматлари кўрсатиш тизимига инновацион технологияларнинг жорий этилиши тезкорлик, очиклик ва юқори сифатли таъминлаб, аҳолининг улардан фойдаланиш имкониятини оширади.

Давлат дастурига мувофиқ эндиликда туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларида электрон навбат тизими жорий этилади. Ушбу тадбир орқали давлат хизматлари учун таширф бююрувчиларнинг навбатга риоя қилишга оид тартиби шаклланади.

Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг узлуксизлиги ва сифатини кузатиб бориш мақсадида масофадан туриб видеокузатув тизими жорий этилади.

Яна бир муҳим жиҳати, давлат хизматларини алоқа воситаларидаги мобиль иловалар орқали кўрсатиш имконияти яратилади. Бу орқали аҳоли билан қайта алоқанинг самарали воситалари амалга киритилади.

Компьютер ускуналари ёки интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган фуқароларга давлат хизматлари тақдим этиш учун замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларидаги давлат хизматлари марказлари махсус инфокиослар билан таъминланади.

Булар кўрсатилган давлат хизматларининг сифати, тезкорлиги, очиклиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан оширишга хизмат қилади.

Узоқ ва олис жойлардаги аҳолига енгилликлар яратиш мақсадида тасдиқланган жадаллар асосида мобиль давлат хизматлари, яъни барча зарур техникаларни ўзида мўжассамлаштирган махсус автотранспорт воситалари орқали бевосита жойларга бориб, “ўзиюлар” давлат хизматлари кўрсатилади.

Бундан ташқари, барча давлат хизматлари уларни Давлат хизматлари ягона реестрида рўйхатдан ўтказиш учун инвентаризациядан ўтказилади. 2018 йил 1

июндан бошлаб мазкур реестрга киритилмаган давлат хизматларини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Бир сўз билан айтганда, жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган давлат хизматлари сифати инновацион жиҳатдан янги босқичга олиб чиқилади.

Эслатиб ўтамиз, мазкур агентлик тузилмалари томонидан айна пайтда тадбиркорлик субъектларига давлат органлари фаолияти билан боғлиқ 37 турдаги хизматлар кўрсатилмоқда. 2018 йил 1 апрелдан бошлаб бундай таътирлар жисмоний шахсларга ҳам кўрсатилади ва уларнинг сони яна 13 тага кўпайтирилади.

2018 йил охиригача кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 87 тага етказилади. 2020 йил охиригача эса бу кўрсаткич 163 ни ташкил этади.

2017 йил 1 апрелдан бошлаб рўйхатга олиш тартиб-таомилларини 30 дақиқага қисқартириш имконини берувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилганлиги “Doing Business 2018” глобал рейтингиди “Бизнесни рўйхатдан ўтказиш” кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг макенини 24-ўриндан 11-ўринга яхшилашга хизмат қилди.

Норгул АБДУРАИМОВА

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари академиясида жорий йил 9 январь куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни мазмун-моҳиятини ўрганиш ва тарғиб қилишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ЮРТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ, ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири А.Азизов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда барча соҳалар қатори мудофаа соҳасида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилаётгани, ҳарбийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Миллий гвардия ва Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ташкил этилди, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тубдан қайта қўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, уларни босқичма-босқич замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича ўзининг қўлами ва миқёсига кўра мисли қўрилмаган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси янгиланган ҳолда қабул қилиниши улкан сиёсий ҳуқуқий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси ҳарбий соҳада Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашга доир принциплар ва ёндашувлари белгиланиши, Ўзбекистон Республикаси барча мамлакатлар билан муносабатларни мамлакат миллий манфаатларининг усту-

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлисида соҳада бундан буён замон талаблари асосида фаолият юритишга эътибор қаратилди. Танқидий руҳда ўтган йиғилишда адлия вазири Русланбек Давлетов халқ қаерда бўлса, адлия идораси шу ерда бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган йиғилишда адлия органлари ва муассасаларининг барча даражадаги раҳбар ва масъул ходимлари қатнашди.

Адлияни аҳоли билан тўғридан-тўғри, очиқ мулоқот юритадиган, халқнинг дарду ташвишларини ўйлаб, ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳамда аҳоли ва тадбиркорларга самарали ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи давлат органига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юридик хизмат, қонун ҳужжатларини етказиш ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш тизими тубдан ислох қилинди. Давлат ва жамият ҳаётининг муҳим масалаларини тартибга солишга қаратилган 155 қонун ҳужжати, жумладан, 32 қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган лойиҳалар сони ҳам икки баравар ошган.

Адлия тизимининг аҳоли билан мулоқоти тубдан ўзгарди. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли билан яқиндан мулоқот қилишнинг янги, замонавий ва таъсирчан шакллари амалиётга жорий этилди. Телеграм тармоғидаги “Ҳуқуқий ахборот” канали аъзолари сони 50 мингдан ошди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида Бекобод шаҳрида тўй маросимларини тартибга солиш бўйича “Бекобод намунаси” яратилди. Шунингдек, нотариат тизимидаги сансалоқликка чек қўйиш мақсадида нотариусларнинг маҳаллаларда фуқароларни қабул қилиши ва нотариал ҳаракатларни ўша жойининг ўзида бажариш тизими йўлга қўйилиб, 5 мингдан ортиқ нотариал ҳаракат амалга оширилди.

Ҳайъат мажлисида мавжуд хато ва камчиликлар танқидий таҳлил қилинди. Аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ишларини ташкил қилишда айрим муаммолар, жиддий камчиликлар кўзга ташланаётганини қайд этилди.

Давлат нотариал идоралари ва ФХДЭ органлари ходимлари томонидан фуқаролар билан ишлашда ханузгача кўпол муомалада бўлиш, уларни сарсон қилиш, кўрсатилган хизматлар учун ортиқча пул маблағлари ундирилиши муроса қилиб бўлмайдиган ҳолатлардир. Бундай камчиликларга йўл қўйганлиги учун 229 нафар нотариат ва 73 нафар ФХДЭ ходимларига нисбатан кескин чоралар кўрилган. 50 дан ортиқ ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Мажлисида нотариат аҳолидан энг кўп эътироз тушаётган соҳа экани таъкидланди. Нотариал идораларда ўтказилаётган рейдларда нотариуслар-

нинг ишга сурункали равишда кеч келиши маълум бўлмоқда. Бу фуқароларнинг узоқ кутиб қолиши, иши вақтида битмаслигига ва табиийки, нозилигига сабаб бўлган.

Айрим адлия органларида нотариус ахборот тизимлари талаб даражасида юритилмаган. Таққиб олиб ташланган ҳолатлар тизимга вақтида киририлмаган. Бу фуқароларнинг мулкни эркин тасарруф этишига тўсқинлик қилади.

Мамлакатимизда бугунги кунда 704 нотариус фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўз ишини ўз вақтида виждонан адо этилганими? Текширишлар шуни кўрсатдики, уларнинг айримлари ўзлари учун

ХАЛҚ ҚАЕРДА БЎЛСА, АДЛИЯ ИДОРАСИ ШУ ЕРДА БЎЛАДИ

қоидалар яратиб, ихтисослашиб олган. Бири фақат мерос, яна бири фақат гаров билан боғлиқ ҳаракатларни расмийлаштирган. Кўпчилиги ипотека кредитига оид шартномани тасдиқлашни асоссиз равишда рад этмоқда. Аммо бунга уларнинг мутлақо ҳаққи йўқ. Нотариус давлат нотариал идорасига келган фуқарога бир хил ёндашув асосида бир хил хизмат кўрсатиши керак.

Мажлисида фуқароларга хизмат кўрсатишда қўйилаётган талабларни бажармайдиган, яъни ҳалол ишламайдиган ходимларга мажбурийлик принципи қўлланилиши айтилди.

Судлар томонидан бекор қилинган нотариал ҳаракатлар оғриқли муаммо эканига эътибор қаратилди. Бу борада адлия бошқармалари томонидан тақдим этилган ҳисоботда 17 нотариал ҳаракат бекор қилинган қайд этилган. Лекин Олий суддан сўраб олинган маълумотда бу кўрсаткич 131 экани аён бўлган.

Фуқароларга давлат хизматлари кўрсатувчи ходимларнинг ўз ишига қанчалик ҳалол ва виждонан ёндашаётганини аниқлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан мунтазам равишда “сирли мижоз” тадбирини ўтказиш йўлга қўйилган. Бунда вазирлик ходими нотариус, ФХДЭ идораси ёки давлат хизматлари кўрсатиш марказига мижоз сифатида боради. Улардан бирор хизмат кўрсатишни сўрайди. Бундан беҳабар ходим эса...

“Сирли мижоз” Янгийўл тумани давлат хизматлари кўрсатиш марказига янги корхона ташкил этиш истагида борган. Масъул ходим эса мижозга 400 минг сўм олиб келсангиз, ишингиз битади, деб айтган ва унинг қўлига ташриф қоғозини тутқазган.

Урганч тумани давлат хизматлари кўрсатиш марказига хорижий корхона очиб истагида борган “сирли мижоз” қўлига ўз кучини йўқотган ҳукумат қарори тутқазилган.

Ана шундай хуфиёна ўрганиш натижасида кўпол қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган 17 ходим ишдан бўшатилган.

Мажлисида бундай ҳолатларга асло тоқат қилиб бўлмаслиги, уларга барҳам бериш борасида барча чоралар қўрилиши қайд этилди.

ФХДЭ органлари томонидан олиб борилаётган ишларга танқидий баҳо берилди. Бу борада 232 орган аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Лекин улар олдида қўйилаётган энг долзарб вазифаларга соҳибдорлик билан қараётди. Шу билан бирга, ФХДЭ органларининг жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликдаги ишлари, жумладан, эрта никоҳ ва оилавий ажримларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти натижа бермаётди.

Ҳозир 58 миллион далолатнома ёзуви мавжуд бўлиб, уларнинг электрон архиви яратилмоқда. Бу фуқароларга яратилаётган катта қулайлик бўлиб, зарур ҳужжатни тез ва осон топиш имкониятини яратади.

Жамият тараққиётига, фуқаролар манфаатларига путур етказувчи коррупция-

дек иллатдан қўтилиш учун адлия тизимида янги чек ёндашув асосидаги амалиёт жорий этилади. Вазирлик томонидан “хавфли гуруҳ” деб номланган очиқ база шакллантирилиши, унга хато ва камчиликларга йўл қўяётган, устидан аҳоли шикоят йўллаётган, ижтимоий тармоқларда танқидга учраётган, фуқароларнинг мурожаатларига бефарқ қараётган ходимлар киритилади. Бу база, таъбир жоиз бўлса, катта чуқурлик. Ундан чиқишни эплай олмаганлар адлия ходими бўлмайди. Бундан буён соҳада халққа фидойилик билан ҳалол хизмат қилаётганларга фаолиятини давом эттиради.

Адлиянинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлган ҳуқуқий тарғиботда ҳамон самарасиз усуллардан фойдаланилаётгани танқид қилинди. Бу борада ёлгон ҳисобот ва қоғозбозликларга чек қўйиш вақти келгани алоҳида таъкидланди.

Ўқорида қайд этилган салбий ҳолатларни бар-тараф этиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, фаолиятни тизимли равишда режалаштиришни амалга ошириш, назорат ва мониторинг тадбирларини ўз вақтида ўтказиш, муаммоларни келтириб чиқараётган сабабларни аниқлаш, “фуқаролар адлия идоралари фаолиятидан рози бўлиши керак” деган тамойилга оғимшай амал қилиш юзасидан масъул ходимларга тегишли кўрсатмалар берилди.

(ЎЗА)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

2018 ЙИЛДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Парламент қуйи палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ташкил этилди.

Брифинг таъкидланишича, ўтган бир йил мобайнида партия ва фракция томонидан ишни янги чек талаблар асосида ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг 2017 йилдаги ҳар бир йўналиши ЎзЛиДеП, унинг депутатлик корпуси, ҳудудий бўлимлари ва партия фаоллари олдида турган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида пухта ўрганилиб, таҳлил қилинди. Ушбу чора-тадбирлар дастури асосида стратегиянинг ҳар бир йўналиши бўйича аниқ ишлар амалга оширилди. Биргина қонунчилик ташаббуси соҳасида ўтган йили фракция қатор ташаббуслар билан чиқди. Қолаверса, кўплаб қонунлар устида ишлади, уларни атрофлича муҳокама қилиб, қабул қилинишида фаол қатнашди.

Мисол учун, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига мувофиқ, 2017 йил давомида Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан 27 та қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган бўлса, шундан 19 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилинишида ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари бевосита иштирок этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги ҳамда “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунларида тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш мақсадида фракция жойлардаги муҳокамалар натижасида умумлаштирган 22 та амалий тақлифини тегишли кўмитага тақдим этди. Бундан ташқари, яна кўплаб қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, улар бўйича тақлифлар берилди.

2017 йилда ўтказилган 57 фракция йиғилишида 340 масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш соҳасини такомиллаштириш бўйича фаолияти натижалари хусусида мазкур вазирлик ахбороти эшитилди.

ЎзЛиДеП фракцияси томонидан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг 12 та туманида “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижро этилиши ҳолати назорат-таҳлил тартибидеа ўрганилди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ва дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали татбиқ қилиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида 145 дан зиёд тиббиёт муассасаси фаолияти ўрганилди, 800 дан ортиқ шифокор-ҳамшира билан суҳбатлашилди, 1 минг 500 га яқин аҳоли вакили ва бемор билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилиб, улар томонидан кўтарилган масалалар фракция аъзолари томонидан жойида ҳал этилди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 5 минг 383 мурожаат келиб тушган бўлса, шулардан 825 таси (15,3%) бевосита ЎзЛиДеП фракцияси томонидан кўриб чиқилди. Фейсбук ижтимоий тармоғида аҳоли билан онлайн мулоқот йўлга қўйилди. Фракция аъзолари “ЎзЛиДеП мулоқотга қўлайди” руқни орқали ҳар кун онлайн тарзда халқ муаммоларини ўрганиб, тегишлича амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ўтказилган онлайн мулоқотлар натижасида 1 минг 300 дан ортиқ фуқаронинг турли масалалардаги мурожаатларига депутатлар томонидан жавоб берилди ҳамда кўтарилган масалаларнинг аксарияти жойида ижобий ҳал этилишига эришилди.

Тадбирда 2018 йилги режалар ҳақида тўхталиб ўтилди. Қайд этилишича, “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастуридан келиб чиқиб, партия сиёсий кенгаши ҳамда фракцияси томонидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастур доирасида 150 дан ортиқ тадбир ўтказилиши режалаштирилган.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

МАҲАЛЛАДОШЛАР МАМНУН

“Ватан ичра кичик бир ватан” ҳисобланмиш маҳалла аҳлига қулайлик яратиш, маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти самарадорлигини янада ошириш бугунги куннинг долзарб талабидир. Чунки маҳаллалар обод бўлса, эл тинч-тотув яшайди, фаровон ҳаёт кечиради.

Яқинда Олмасор туманидаги “Тараққиёт” маҳалласида янги гузар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Маҳалла фаоллари, ёшлари, айниқса тадбиркорлик билан шуғулланаётган ака-ука Искандар ва Иброҳим Баҳодировлар саъй-ҳаракатлари эвазига бунёд этилган икки қаватли замонавий гузар маҳалла аҳлига туҳфа бўлди, дейиш мумкин. Чунки гузарнинг биринчи қаватида новвойхона, сартарошхона, озиқ-овқат дўкони, қариялар чойхонаси қад ростланган бўлса, иккинчи қаватдан маҳалла фуқаролар йиғини идораси учун хона, мажлислар зали, кутубхона, профилактика нозир хонаси, коммунал тўловларни амалга ошириш учун касса, ўзгаллик салони, қаҳвахона, тикув цехи ўрин олган.

Маҳалламиз ҳудудида учта кўп қаватли уйлар, 283 та яқна тартибдаги хонадонлар бўлиб, жами 3383 нафар аҳоли истиқомат қилади, – дейди маҳалла фу-

қаролар йиғини раиси Оқилхон Холматов биз билан суҳбатда. – Шу ўринда маҳалла аҳлининг 60 фоиздан кўпрогини ёшлар ташкил этишини таъкидлаш жоиз. Энди кўпчилик маҳалла фуқаролар йиғини идорасида ўз муаммоларини ҳал этиши, сартарошхона хизматидан фойдаланиши, озиқ-овқат дўконидан ўзи хоҳлаган маҳсулотни харид қилиши, кутубхонада китоб ўқиши, қариялар чойхонасида ҳордиқ чиқариши, шахмат-шашка ўйнаши, қаҳвахонада овқатланиб, кассага коммунал тўловларини тўлаб кетиши мумкин. Дарвоқе, маҳалла фуқаролар йиғини мажлисларини ўтказиш учун гузарда мажлислар зали мавжудлиги кишини қувонтиради. Бундан ташқари гузарда яратилган шарт-шароитлар тўғрисида қанчадан-қанча маҳалладошларимиз иш билан таъминланди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ
Ҳакимжон Солиҳов олган
сурат

“МЕН ҲАМ ШУ ВАТАННИНГ БИР ЗАРРАСИМАН!”

Президентимиз Шавкат Мирзиёев хорижда ўқиётган ва ишлаётган юртдошларимизни мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшишга ундамоқда, улар учун зарур шароит яратилмоқда.

Ўз навбатида, хориждаги ватандошларимиз бундай имкониятни мамнуният билан қабул қилиб, юртимиздаги ўзгаришлардан хурсанд бўлаётди.

Бугунги кунда Нидерландия пойтахти Амстердам шаҳрида истиқомат қилаётган ўзбек адибаси Шаҳодат Улуғ (Улугова) ЎЗА мухбирига юртимиздаги ўзгаришлар, ижод ва оила, келгусидаги режалар ҳақида сўзлаб берди:

– Бу кун қутлуг ва муқаддас Ватанимиз – Ўзбекистонда чин маънода янги давр ва янги замон бошланганини, мамлакатимиз ҳаётининг ҳар жабҳасида ҳавас қиларли ўзгаришлар содир бўлаётганини кўриб кўзимиз қувонмоқда. Ҳар соҳада амалга оширилаётган туб ислохотлар, халқимиз мушкулни осон қилишни бош мақсад қилган ижобий ўзгаришлар нафақат Ватанимиз бағридаги, балки хориждаги ватандошларнинг ҳам дилларига малҳам бўлмоқда, уларнинг чин маънодаги мамнуниликларига сабаб бўлаётди.

Бу туйғуни 13 йилдан буён Ватанидан узоқда яшаган бир инсон сифатида чин юракдан ҳис қилдим. Ушбу ҳаракатлар Ўзбекистонимиз тез орада ҳозираси билан барчани ўзига қорловчи маёқ бўлиб ёрқин порлай бошлашига ишонч уйғотади. Уйлайманки, Ватанимизнинг яқин келажакдаги бемисл тараққиёти учун хориждаги барча ватандошлар имкони ва салоҳияти даражасида ҳисса қўшилиши чин қалбдан ва самимий истаётлар. Ана шу самимий истак соҳиблари қаторида шу Ватаннинг биргина зарраси бўлган камина ҳам бор.

Гарчанд биз Ватанимиздан олисда бўлсакда, аммо бир зум ҳам юртимизни ёдимиздан чиқарганимиз йўқ, фарзандларимизни Ўзбекистонга чуқур муҳаббат руҳида тарбиялаётимиз. Тўғрич ўғлим Шамшодбек Аҳмедов спорт тиббиёти соҳаси бўйича олий ўқув юртида тахсил олмақда. Шу билан бирга, Нидерландиянинг етакчи футбол клуби бўлган “Аякс” жамоасида ўз йўналишида амалиёт ўтамоқда. Бу ерда олган билим ва тажрибаларини келгусида Ўзбекистонда татбиқ этиш режалари бор. Иккинчи ўғлим Абдуқаюм Аҳмедов архитектура ва шаҳарсозлик йўналишини таллаган. Айни пайтда у ҳам спорт билан, хусусан, кикбоксинг билан профессионал даражада шуғулланмоқда. Февраль ойида бўлиб ўтадиган Нидерландия чемпионатида қатнашади.

Кенжа қизимиз Нурхон Аҳмедова яқинда Нидерландиядаги умуммиллий хотира мажмуаси очилиш маросимида Нидерландия

қироли Виллем-Александр ва қиролича Максима хонимга ҳамроҳлик қилиб, уларнинг ҳам миннатдорлигига сазовор бўлди. Бу ҳақда Нидерландия матбуоти ва бошқа халқаро ахборот агентликлари хабар тарқатди. Ҳозир у Қироллик хонадони ва ЮНЕСКО шафелиги остидаги гимназиянинг илғор ўқувчиси. Эндигина 13 ёшга тўлган Нурхон АҚШнинг Харвард университетидеа халқаро ҳуқуқ йўналишида ўқишни давом эттириш учун махсус дастурларда қатнашаётти. Фарзандларимизнинг қалбида Ўзбекистон тараққиётига ўз ҳиссасини қўиш истаги бор. Мен буни бир она сифатида дилдан ҳис қиламан.

Мен ва турмуш ўртоғим Шарифжон Аҳмедов ёзувчи ва бадиий таржимонлар сифатида яратган асарларимизда Ўзбекистонни, шу азиз Ватанимизнинг улуг ўтмишини тарафдан эътибор қилишимиз. Бу “Жайхун эпиклари ёхуд Жалолиддин Мангуберди қиссаси” номли китобида ҳам акс этган. Ушбу асарим Ўзбекистон адабий доираларида катта қизиқиш билан қўлиб олинди. Аёл адиба қаламига мансуб катта қўламдаги асар сифатида Лондон халқаро адабиёт фестивалида голиб деб топилди. Айни пайтда мазкур асар Оврупаннинг қатор тилларига таржима қилинмоқда, шунингдек, Туркияда бадиий фильм суратга олиш учун музокара ва сценарий тайёрлаш жараёни ҳам давом этаётди.

Турмуш ўртоғим Шарифжон Аҳмедов – ёзувчи ва таржимон, узоқ йиллардан буён испан тили, хусусан, Лотин Америкаси адабиёти масалалари билан шуғулланади. У Испания Қироллиги Сервантес институтига испаншунослик йўналишида тахсил олган. Лотин Америкаси тарихи ва маданияти бўйича мутахассис. Айни пайтда Лотин Америкасининг йирик адиблари асарларини ўзбек тилига таржима қилмоқда.

Бизлар Ватанимиз бир бўлган сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва раҳнамолигида юртимиз ҳаётининг ҳар жабҳасида содир бўлаётган улкан ижобий ўзгаришларни чексиз мамнунилик билан қузатиб бораётимиз ва тараққиёт сари йўналтирилган ушбу ўзгаришлар қисқа вақт ичида Ўзбекистонни жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари қаторида туршишга ишонамиз. Ва бу ҳаракатларга ўзимиз ва фарзандларимиз ҳам қўлимизда келганча ҳисса қўишни чин дилдан истаимиз. Бунинг учун эса, келгусида албатта, оиламиз билан Ўзбекистонга қайтамиз.

А.СУЙОНОВ ёзиб олди



Футбол янгиликлари

Профессионал футбол лигаси (ПФЛ) ташаббуси билан Суперлига ва Про-лига клублари олдига лицензиялаш бўйича маълум талаблар қўйилган эди.

СУПЕРЛИГА ЖАМОАЛАРИ НОМИ МАЪЛУМ

ПФЛда бу борадаги ишларни баҳолаш юзасидан тузилган махсус ишчи гуруҳи ўтган йилнинг ноябрь ойи охиридан бошлаб клублар инфратузилмасини тартиб асосида уч марта ўрганиб чиқди. Унда асосий эътибор стадионлар ҳолати, яратилган шарт-шароитлар, аёллар, мини-футбол жамоалари, базалар ҳолатига қаратилди. Аниқланган камчиликлар шуни кўрсатдики, "Цементчи" ва "Машъал" жамоалари Суперлигада иштирок этиш талабларини тўлиқ бажармаган. Чунки "Цементчи"нинг ўқув-машгулотлар базаси, ётоқхона таъмирга муҳтож, клуб футбол-мактабига эга эмас. Хусусан, аёллар жамоаси янги мавсумга тайёр ҳолатга келтирилмаган. Шунингдек, "Машъал" клубида ҳам стадион, ўқув-машгулотлар базаси, футбол, аёллар жамоаси инфратузилмасида муаммолар етарли, футбол мактаби ачинарли аҳволда.

Энди Суперлигада "Цементчи", "Машъал" клублари ўрнини "Нефтичи" ва "Сўғдиёна" эгаллайди. Хуллас, махсус ишчи гуруҳининг якуний ҳулосаси асосида Ўзбекистон футбол ассоциациясининг 4-сонли қарорига кўра, Суперлигада "Локомотив", "Навбахор", "Пахтакор", "Бунёдкор", "Навбахор", "Бухоро", "Қўқон - 1912", "Олмалик", "Металлург", "Қизилқум", "Сўғдиёна", "Нефтичи" иштирок этади.

БУХОРО ЖИЛОЛАРИ

"Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси ва Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ҳамкорлигида "Бухоро жилोलари" миллий рақс ижрочиларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ушбу ижодий лойиҳа номоддий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий рақс санъатини асраб-авайлаш, унинг бетақдор мактаб ва анъаналарини бойитиш, миллий рақс соҳасида изланаётган ёшларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашдек мақсадларни кўзлашти билан аҳамиятлидир. Бухорода рақслар қадимийлиги, серзавқ ва жўшқинлиги билан санъат

мухлислари эътиборига тушган.

Юртимизда илк бор ўтказилган мазкур кўрик-танловда ҳайъат аъзолари томонидан яққол рақс ва раққослар, профессионал рақс жамоалари тайёрлаган 100 дан ортиқ дастур таҳлил этилди. Айни пайтда ёш ижодкорларнинг ижро маҳорати кўрикдан ўтказилди.

"Якка рақслар" номинация-

сида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси, раққоса Ширин Жалилова "Мавриги" асосида яратилган композициясини намоиш этиб, биринчи ўринга сазовор бўлди. "Оммавий рақслар" номинациясида Бухоро вилоятининг "Бухоро мавжлари" рақс ансамбли биринчи ўринга муносиб топилди.

Н.УСМОНОВА

МУЗОКАРА ДАВОМ ЭТАДИ

Футбол бўйича Эрон терма жамоасини Россияда ўтадиган жаҳон чемпионатида олиб чиққан португалиялик мураббий Карлуш Кейруш Ўзбекистон миллий терма жамоасини бош мураббий сифатида бошқариши мумкин.

Championat.asia сайти хабарига кўра, Ўзбекистон футбол ассоциацияси Карлуш Кейруш билан музокара жараёнини бошлаган. Аввалроқ Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти Умид

Аҳмаджонов бош жамоамизни жаҳон чемпионати саралашда муваффақият қозонган мураббийга топширилиши ҳақида гапирган эди. Дарвоқе, Карлуш Кейруш ва Эрон терма жамоаси ўртасидаги

шартнома муддати жорий йил ёзида тугайди. Қоидага мувофиқ, мураббийлар шартнома муддати тугашига олти ой қолганида бошқа жамоалар билан музокара олиб боришга ҳақлиқдирлар.

ПОРТУГАЛИЯЛИК ФУТБОЛЧИ "ПАХТАКОР" САФИДА

Жорий йилги мавсумда ўз олдига фақат муваффақият қозонишни мақсад қилган "Пахтакор" жамоаси таркиби яна кучайтирилди.

Португалиялик 26 ёшли футболчи, Португалиянинг "Боавишта" клубида ҳужумчи бўлиб тўп сурган Исмоил Гонсалвеш пахтакорчилар сафига қўшилди. Футболчи фаолияти давомида Франциянинг "Ницца", Шотландиянинг "Сент-Миррен", Кипрнинг АПОЭЛ, Грециянинг "Верна", Кипрнинг "Анортозис", Саудия Арабистонининг "Ал-Иттифок", Шотландиянинг "Харт" клублари шарафини ҳимоя қилган.

Ушбу клублар сафида фақат юқори дивизионда ўйнаган ҳужумчи 186 та баҳсда майдонга тушиб, рақиблари дарвозасини 54 марта аниқ нишонга олган. Икки йил мобайнида "Пахтакор" таркибига тўп сурадиган Исмоил Гонсалвеш ўзининг сермазмун ва ажойиб ўйинлари, голлари билан жамоаси галабаларига катта ҳисса қўшади, деб умид қиламиз.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

2017 йил 23 ноябрь кuni соат 21:05 да Тошкент шаҳар Бектемир туманида Бектемир йўл-патруль хизмати томонидан олиб борилаётган тезкор тадбир чоғида Тошкент вилоятдан Тошкент шаҳрига кириб келаётган фуқаро Мурод Ўртаев соҳа ходимларида шубҳа уйғотди. Суриштирув ва текширувлар натижасида унинг ёнидан марихуана гиёҳвандлик моддаси топилган.

АДАШГАН ФУҚАРОЛАРГА ИМКОНИЯТ БЕРИЛДИ

Фуқаро буни таниши Илхом Исоқовдан олганини айтган, бу иш бўйича чуқурлаштирилган барча чоратadbирлар кўрилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир тумани судида фуқаролар М.Ўртаев ва И.Исоқовнинг гиёҳвандлик моддаларини етиштириш, етказиб бериш ва истеъмол қилишга оид жиноят иши кўриб чиқилди.

Суд томонидан уларнинг қилмишини ўзи тўла англамаган ҳолда содир этгани, муқаддам судланмагани, чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий аҳволи, содир этган жиноятининг ёмон асоратларини тўла англамагани инобатга олинди. Уларга қўйилган айбловлар таҳлил этилиб, фуқаролар озодликка чиқарилди.

М.Ўртаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди, унга шу моддага асосан иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда бир йил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди.

И.Исоқов эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 2-қисми, 25 ҳамда 273-модданинг 5-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор, деб топилди. Шу боис унга нисбатан қўлланилган "қамоққа олиш" тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, жазони очикликда ўташи қатъий тушунтирилиб, суд залидан озод этилди.

Эндиликда улар жазони белгиланган тартибда ўтайди.

Ашвёвий далил сифатида икки фуқародан олинган 4,63 грамм ва 115 грамм марихуана гиёҳвандлик моддалари йўқ қилинди.

Б.МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири

"САБОТ" ФИЛЬМИ МОСКВА ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИДА

Жорий йилнинг 19-26 апрель кунлари дунёнинг нуфузли кинофестивалларидан бири ҳисобланган Москва халқаро кинофестивали бўлиб ўтади. "А" категориядаги ушбу фестивалда мамлакатимиз киноижодкорларининг "Сабот" бадиий фильми намоиш этилади.

Режиссёр Рашид Маликов томонидан суратга олинган ушбу тўлиқ метражли фильм Кинематографияни ривожлантириш маркази томонидан кўплаб хорижий фестивалларга тақдим этилган.

"Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмасига асосан суратга олинган "Сабот" фильмида Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритиш арафасидаги давр – 1980-йиллар воқеалари тасвирланган, қорақалпоғистонлик собиқ байналмилал жангчининг хотиралари, ўй-хаёллари, кечинмалари ҳақида ҳикоя қилинади. Бош ролларни актёрлар Карим Мирходиев, Сейдулла Молдахонов, Беҳзод Ҳамроев, Нигора Каримбоева, Зулхумор Мўминова ижро этган.

М.КОСИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚКАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, корхона тасарруфидидаги енгил автомобилларга 2018 йил давомида "Метан" русумли газ ёқилги турини етказиб бериш ишлари юзасидан ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюртмачи: Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси.

Молиялаштириш: Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уй. Тел: 241-77-29. Факс: 239-35-01.

E-mail: kanc@kadastr.uz

Танлов ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба-жума кунлари 9:00 дан 18:00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Тижорат тақлифлари раҳбар имзоси ва корхонанинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚКАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, 2018 йил давомида корхона ходимларига тиббий назорат олиб бориш (Умумий амалиёт шифокори ва ҳамшираси), муолажа амалларини бажариш ҳамда биринчи тез тиббий ёрдамни кўрсатиш мақсадида тиббий муассасалар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюртмачи: Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси.

Молиялаштириш: Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уй. Тел: 241-77-29. Факс: 239-35-01.

E-mail: kanc@kadastr.uz

Танлов ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Тижорат тақлифлари раҳбар имзоси ва корхонанинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицей томонидан 2017 йилда Исматиullaев Дилшод Абдуқарович номига берилган Л № 319096 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



ЎЗВИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

метр тезликда, шамол эсиши мумкин. Харорат кечаси — 2-4 даража совуқ, кундузи — 1-3 даража илқ бўлади.

Ўзвидрометнинг мониторинг хизмати маълумоти кўра, 3 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 3 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, кечаси қор ёғади, кунининг иккинчи ярмида ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлиши мумкин. Ғарбдан секундида 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда 12-17

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-95 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г.- 235

Душанба, сешанба, chorshanba, лайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10877 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 13.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ